



ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДОНИШКАДАИ ОМУЪЗОРИИ ТОҶИКИСТОН ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ  
МИНИСТЕРСТВО ОБРАЗОВАНИЯ И НАУКИ РЕСПУБЛИКИ ТАДЖИКИСТАН  
ТАДЖИККИЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ В Г. ПЕНДЖИКЕНТ



# ПАЁМИ ДОНИШКАДА ВЕСТНИК ИНСТИТУТА HERALD OF INSTITUTE

НАШРИ МАХСУС / СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК / SPECIAL EDITION

БО ҲАМКОРӢ БО ТАХРИРИЯТИ МАҚАЛЛАҲОИ ИЛМӢ-  
ПАЖӢҲИШИИ “АНВОРИ ИЛМ” ВА “ТАФАККУРИ ТАЪРИХ”

СОВМЕСТНО С РЕДАКЦИЕЙ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ ЖУРНАЛОВ «АНВОРИ ИЛМ» И  
«ТАФАККУРИ ТАЪРИХ»

IN COLLABORATION WITH THE EDITORIAL STAFF OF THE  
RESEARCH JOURNALS "ANVORI ILM" AND "TAFAKKURI  
TARIKH"



**ВАЗОРАТИ МАОРИФ ВА ИЛМИ ҶУМҲУРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДОНИШКАДАИ ОМУЌЗОРИИ ТОҶИКИСТОН  
ДАР ШАҲРИ ПАНҶАКЕНТ**

---



**МАВОДИ**

**анҷумани илмӣ-амалии байналмилалӣ “Масоили мубрами таърих, фарҳанг, таърихнигорӣ ва манбаъшиносии халқҳои Осиёи Миёна”, дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент, ба муносибати 60 солагии доктори фанҳои таърих, профессор Воҳидов Шодмон Ҳусейнович**

\*\*\*

**МАТЕРИАЛЫ**

**научно-практической международной конференции “Актуальные проблемы истории, истории культуры, историографии и источниковедения истории народов Средней Азии” в Таджикском педагогическом институте в городе Пенджикент, в честь 60-летия доктора исторических наук, профессора Вохидова Шодмона Хусейновича**

\*\*\*

**MATERIALS**

**scientific-practical international conference "Actual problems of history, cultural history, historiography and source study of the history of the peoples of Central Asia" at the Tajik Pedagogical Institute in the city of Penjikent, in honor of the 60th anniversary of Doctor of Historical Sciences, Professor Vohidov Shodmon Khuseinovich**

**Панҷакент - 2021**

**МАВОДИ** анчумани илмӣ-амалии байналмилалӣ “Масоили мубрами таърих, фарҳанг, таърихнигорӣ ва манбаъшиносии халқҳои Осиёи Миёна”, дар Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент, ба муносибати 60 солагии доктори фанҳои таърих, профессор Воҳидов Шодмон Ҳусейнович – Панҷакент, 2021. – 884 с.

#### **Ҳайати таҳрирӣ/Редакционная коллегия:**

Ансорӣ М.Қ. – раис, Аханов Б.Ф. (Қазоқистон), Петрусеевич А.А., Эркинов А. С., Пулатов М.Э., (Ўзбекистон), Воҳидов Ш.Х. (муҳаррири масъул), Шарифова Г.Х. (муовини раис ва котиби масъул), Абдуллоев Ш. У., Мақсудов З.О., Ансорӣ М.М., Комилов А., Исроилов С., Худойназаров М., Сирочзода Ф., Салихов Н., Турсунов Н., Гаффоров Ш. С. Холиқова Р.Э. Эшов Б.(Ўзбекистон)

#### **Муқарризон:**

Қурбонов Ш., номзади улуми таърих, профессор (Тоҷикистон)  
Турсунов С. доктори улуми таърих, профессор (Ўзбекистон)  
Холиқова Р., доктори улуми таърих, профессор (Ўзбекистон)

Баъзе фикр ва хулосаҳои дар маҷмӯа омада бо нуқтаи назари таҳририят созгор наомаданаш мумкин аст. Барои дурустии иқтибос, ҳавола ва пайнавиштҳо дараҷаи илмӣ, услуб ва баёни мақолаҳо муаллифҳо масъуланд.

Мнение редколлегии не всегда совпадает с мнением авторов. За достоверность цитат и ссылок, научный уровень, стилистику статей ответственны авторы.

The opinion of the editorial board does not always coincide with the opinion of the authors. Authors are responsible for the reliability of citations and references, the scientific level, and the style of articles.

Дар асоси қарори Шӯрои олимони Донишкадаи омӯзгории Тоҷикистон дар шаҳри Панҷакент ба нашр тавсия дода шуд (суратчаласаи № 10 аз 28 декабри соли 2021).

© ДОТП, “Паёми донишкада”, “Анвори илм”,  
“Тафаккури таърих” соли 2021.

даражасига чиқди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Жанубий Кореяга амалга оширган ташрифи икки томонлама муносабатларда муҳим босқич бўлди ва икки мамлакат халқлари фаровонлиги йўлида ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга катта туртки берди.<sup>1</sup>

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўрисидаги Фармони. – Тошкент: «Адолат», 2017.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017
3. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз.–Т.:Ўзбекистон, 2000.
4. Каримов И.А. Ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. // Туркистон. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари. –Тошкент: Credo Print, 1 том. 2017.
5. Пахрутдинов Ш. Таҳдид –ҳалокатли куч. –Тошкент: Академия, 2001.
6. Сун Дон Ги.Ўзбекистон Республикаси ва жанубий Корея иқтисодий ва маданий алоқалар ҳамда истиқболли режалар. Дис.тарих фанлари номзоди. –Тошкент: 2000

\*\*\*

### ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА БОБОДЕҲҚОН БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР (БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА)

Жумаева Нилуфар Ахматовна  
Бухоро давлат университети (Ўзбекистон)

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада Бухоро воҳаси зироатчиларнинг қадимий-диний культлар билан боғлиқ урф-одат ва маросимлари манбалар ва дала маълумотлари асосида таҳлил этилади.

*В статье анализируются обычаи и традиции земледельцев Бухарского оазиса связанные с древними религиозными культами на основании источников и полевых данных.*

*Article deals with the analyses of the traditions and customs of farmers in Bukhara oasis connected to the ancient religious cults based on the sources and field data.*

**Калит сўзлар:** урф-одат, культ, деҳқончилик, фаршталар, Наврўз байрами, оташпарастлик, ҳосилдорлик, мифология, олов

**Ключевые слова:** обычаи, культ, земледелие, ангелы, праздник Навруз, поклонение огню, урожайность, мифология, огонь

**Key words:** Tradition, cult, farming, angels, Navruz holiday, fire-worshipping, harvest, mythology, fire

**Кириш.** Бухоро аҳолиси узоқ асрлар давомида ўз аجدодлари томонидан мерос қилиб қолдирилган урф-одатлар, маросимлар ва удумларга катъий амал қилиб келмоқда. Ижтимоий кундалик ҳаётда катта ўрин тутган бу маросимларда, аввало зироатчилик билан боғлиқ удум ва маросимлар ўзининг келиб чиқиш илдизлари исломгача бўлган табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш, осмон ва ер илоҳларига

<sup>1</sup><http://www.old.xs.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/12078>. Бобохонов А. Ўзбекистон — Корея Республикаси: Икки томонлама муносабатлар тараққиётида янги босқич.

сиғиниш билан боғлиқ бўлган. Шунингдек, кўплаб зироат урф-одат ва маросимларидан исломгача бўлган эътиқодий қарашлар билан исломий қарашларни қоришган уйғунлиги трансформацияси.

Бажарилаётган ҳар бир ирим, урф-одат замирида воҳа аҳлининг зироатчилик билан боғлиқ асрий ҳаётий тажрибалари, зийраклик билан узлуксиз кузатишлари жамланган бўлиб, уларнинг туб моҳиятига эътибор берилса, эзгуликнинг ҳаётбахш нурларига талпиниш, деҳқончиликда самарали ҳосил етиштириш, юз бериши мумкин бўлган кўнгилсизликлардан огоҳ этиш, ҳалол меҳнатни рағбатлантириш табиат неъматларини кўпайтириш ва авайлаб асрашдан иборат бўлган.

Зироатчилик билан боғлиқ бўлган халқ урф-одатлари ва маросимлар доно халқимиз тафаккурининг ғаройиб мўъжизаларидан биридир. Аждодларимиз асрлар давомида уларга амал қилиш билан бирга ўзига хос қоидалар, дуолар, айтимлар ва аломатларни ҳам яратишган.

XIX аср охири – XX асрнинг бошларида Бухоро хонлигига қарашли барча туманларида яшовчи аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида патриархал – уруғчилик муносабатлари анъаналари ҳукм суради. Бу даврда Россиянинг Ўрта Осиёни босиб олиши ўзбек халқи ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий ва маданий муаммоларни ёппасига юзага чиқарди. Ижтимоий тараққиётнинг мана шу босқичи деҳқон ва зироатчилик билан боғлиқ бўлган бир канча расм-русумларнинг характерини белгилаб берди.

Қадимдан Ўрта Осиё халқларига алоқадор бўлган деҳқончиликка оид расм-русумлар, иримлар яшовчан бўлиб чиқди ва унутилмади. Воҳада бу удумлар асрлар давомида халқнинг яшаш ва меҳнат тарзи билан боғланиб ўтказиб келинди. Айниқса, Ўрта Осиёдаги бошқа халқлар каби зироатчилик ҳомийси - Бободехқон култи [1] ва у билан боғлиқ урф-одатлар кенг тарқалган.

Шахсий мулоқотларимиз билан боғлиқ маълумотлардан шу нарса маълумки, деҳқончилик ҳомийси Бободехқон ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи, деҳқонларга ҳомийлик қилувчи, уларнинг меҳнат унумига унум қўшувчи пир ҳисобланган. У айни саҳар пайтида деҳқонлар томонидан кўтарган хирмонлар бошида пайдо бўлиб, тонг саҳар турган деҳқонларнинг хирмонига барака улашиб улар пешона тери билан етиштирган ҳосилни тўкилиб, сочилиб исроф бўлишдан асрар эмиш. Қадимги ёзма манбаларни кузатиш жараёнида Бободехқон образи билан боғлиқ бир маълумотга дуч келдик. Носируддин Бурҳониддин Рабғузийнинг асарида [1] зироатчиликнинг ҳомийси Бободехқон Одам тимсолида ўз аксини топади.

Асардаги «Қиссаи Одам сафий алайҳиссалом» ҳикоятида агар Оллоҳ Жаброил, Исрофил, Микоил, Азроил каби фаришталарни яратмаганда, оламбунчалар ранг-баранг ривожланмаган бўларди, дейилади. Қачонки бирор нарсани яратиш зарур бўлса ёхуд бошқа бир ишни амалга ошироқчи бўлса, шу фаришталар хизматидан фойдаланади. Кекса тажрибали деҳқонлар маълумотича яхшилик фаришталари ерга тушиб деҳқонларга, чорвадорларга ехуд бошқа касб эгаларига яхшилик қилмоқчи бўлсалар, Хўжаи Хидир, Хўжаи Хизр, Бободехқон, Деҳқонбобо суратида пайдо бўлишар экан.

Кексаларнинг айтишича, фаришталар осмон тоқида яшашади. Уларни ҳеч ким кўрмайди, фақатгина кўнгил кўзи билан илғаш мумкин. Шу боисдан ҳам улар ҳеч қутилмаган ерда намоён бўларкан.

Юқорида номи эслатилган Рабғузийнинг ҳикоятидан шу нарса аён бўладики, «Одам Ҳиндустонда Анжалус отлиғ ерда Сарандиб тоғинга тушди. Ҳавво Жадда тоғинга тушди. Одамнинг ёши томган ерда ўт-ем, ачиғ-сучук дорулар бўлди. Ҳаввонинг

кӯзи ёши томган ерда уд (2), каранфул (3), сунбул. хино, ўсма унди» [1,26]. Демак, ерда пайдо бўлган ўт-ўланлар, хайвонлар инсон (Одамнинг) мўъжизаси туфайли рўй берган экан.

Тилга олинган Одам ато ҳам, Жаброил, Исрофил, Мекоил, Исроил каби фаришталарнинг ҳар бири инсон турмушига, деҳқончилик ишларига аралашishi мумкин экан. Улар бир-бирини тўлдириб туради, яъни илдизи Олтой бориб тақалади, боғланади.

Одам ато ва Момо Ҳаво ерга қувилгач. уларнинг яшаши учун шароит зарур эди. Улар ерга тушгач, қоринлари оч қолади. Шунда Жаброил ёрдамга келиб, уларга хўкиз, буғдой олиб келади (4). Одамга ер ҳайдашни, уруғ сепиши, ўсимликни парвариш қилишни, ғалла ўришни, янчишни, ун қилишни ва пиширишни ўргатади.

Демак, Одам деҳқончиликда зарур бўлган барча қуролларнинг, маданий ўсимликларнинг ижодкори-пиридир. Кексалар айтганидек, барча ишлар - деҳқончилик ҳам, чорвачилик ҳам, ҳунармандчилик ҳам Одамдан мерос қолган. Одам - Бободехқон кўзга кўринмайди, аммо унга қурбонлик қилиб мурожаат қилинганда кишиларга ёрдам кўрсатади, экинларга ривож бериб, бало-қазолардан асрайди, деган тасаввурлар юзага келган.

Бободехқон тимсолини зироатчилар ягона қиёфада тасаввур қилишолмайди. Шунингдек, фақат Бободехқонга бағишланган алоҳида маросим ҳам йўқ. Бободехқон турли маросимларда тилга олинади. унинг рамзи сифатида кўп ўринларда соқолига оқ тушган кекса киши намоён бўлади. Куз ёки эрта баҳорда далага кўш тушганда, ариқларни тозалашда, уруғ экишда, ғалла ўришда, хирмондаги донни совуришда биринчи ишни бадавлат, бола-чақаси, неварачевараси кўп, иши доим олдинга кетадиган тадбиркор, обрўли киши бошлаб берган (5). Деҳқончиликдаги ҳар қандай ишнинг бошланишида Бободехқон рамзи сифатида кекса отахонлар туришган. Юқоридаги фикрларни Н.А.Кисляков,[2] К.А.Богомолова,[3] М.Р.Рахимов[4], М.С.Андреев[5], Л.Ф.Моногарова[6] каби этнография соҳаси маълумотлари ҳам тасдиқлайди.

Элшунос олим И.Муҳиддиновнинг ёзишича, Язғулом воҳасидаги барча қишлоқларда Бободехқон вазифасини «файгунай» ёки «шоғун» деб аталган энг ҳурматли, обрў эътиборли тажрибали қария бажарган. Хинго дарёси ҳавзасидаги тожиклар уни «шавгун», Рушон, Бартанг ва Хуфда «хушпойқадам» дейишган[7]. Уларнинг вазифаси авлоддан-авлодга ўтган. М.С.Андреев ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлаб, ҳар қайси «қутлуғ қадам» (хушпойқадам ёки омад келтирувчи) авлоддан авлодга ёхуд отадан ўғилга ўтган, қўли енгил бўлган одам томонидан бажарилган, у зироатчилик маросимида аниқ бир вазифани бажарган: биринчи кўш чиқариш - шудгорлашда, уруғ сочишда, ғалла ўриш ва суғоришда бош бўлган, шунингдек, етти кун мобайнида эркакларнинг аёллар машғул бўлган ёзги яйловга боришини тақиқлаган.

Шуни таъкидлаш керакки, оғзаки сўров маълумотларича, Бухоро воҳасида Бободехқон тимсолини бажарувчи шахслар олдиндан белгилаб қўйилмаган, яъни бу вазифани хамиша бир киши бажармаган. Шу боисдан ҳам бу вазифа отадан ўғилга мерос қолдирилмаган(6). Жондор туманидага Бухорча қишлоғида, агар қишлоқда эшон(дин донишманди) киши яшаса, кўпроқ Бободехқон вазифасини ўша киши бажарган. Агар эшон оламдан ўтиб қолган бўлса, унинг ўрнини катта ўғилларидан бири бажарган(7).

Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги сингари Бухоро воҳасида ҳам Бободехқон тимсолини нуроний чол қиёфасида тасаввур қилишган. Ромитан туманида кўш чиқариш, ғалла ўрими, хирмон янчиш маросимларида нуроний чол иштирок этолмай

қолса, бу вазифани даврадаги энг ёши катта киши бажарган. У кишининг ёши 50, 55, 60 да бўлиши мумкин экан(8).

Олот туманида илм эгаси қишлоқ мулласи ёхуд унинг ўғилларидан бири ҳам маросим чоғида «Куръон»дан оятлар ўкиб дуо қилиши, ишни эса кексароқ киши бошлаб бериши мумкин, дейишар экан. Юқоридаги маълумотлар замирида Бободехқон тимсолида бир неча хил мифологик персонажларни тасаввур қилиш анъанаси мавжудлигидан далолат беради. Ислом дини пайдо бўлгандан сўнг яратилган «Нурнома» мажмуасининг «Рисолаи деҳқон» бобида «Одам алайҳиссаломдин то жаноб расулиллоҳ Саллоллоҳу алайҳи васалламнинг саодатларигача 7777 деҳқон ўтибдурлар. Ҳаммалари оқил ва доно ва касб-корига мувофиқ рисола ва соҳиб дуо эдилар» дейилади. Балки «Нурнома»нинг эл орасида тарқалиши зироатчилар тасаввуридаги Бободехқон тимсолининг шаклланишига асос бўлган бўлиши ҳам мумкин.

Деҳқончилик билан шуғулланадиган аҳоли ҳосилнинг миқдорини табиатга ва ундаги сеҳрли (магик) кучларга боғлиқ деб ҳисоблашган. Баъзан экинларнинг ривожини паст бўлиб, ҳосил кам бўлса ва бу ҳодиса икки-уч марта қайтарилса, бундай ер майдонига одамлар салбий назар билан қарашган. Гиёҳ унмайдиган ёки кам ҳосилли пайкалларни «ит теккан ер» (инс-жинс теккан маъносида), «худо қарғаган ер» деб номлашган[8].

Рус олими Г.П. Снесаревнинг маълумотларига қараганда хоразмликлар ўлган одамнинг жасади теккан ерни нопок, деб ҳисоблаганлар. Агар экин экиладиган ерда одам жасади ёки унинг суяклари топилса, бу жой ҳаром ҳисобланган. Бундай ерни беш марта суғоргандан кейингина экин экишган. Айрим жойларда эса бундай ерларнинг атрофини уват олиб ўраб қўйишган ва 2-3 йил давомида суғормаганлар, экин ҳам экмаганлар[9].

Деҳқонлар баъзида серҳосил ерларга ўзгача назар билан қарашган. Шундай ерлар ҳам бўлганки, ҳеч ким у ерга экин- текин қилмас, фақат қишлоқ болалари қўй- эчкиларни, корамолларини ўтлатиб юришар экан. Бир йили кузда шу қишлоқлик бир йигит ана шу ажриқзорга қўш солибди. Бир амаллаб икки марта ҳайдабди. Йигит қўшчи тонгда шудгорлаган ерига арпа сепмоқчи бўлиб борибди. Уруғ солинган қопнинг оғзини ечаётганида, ёнида оқ эшакли, кўк тўнли бобо пайдо бўлибди.

Сўнгра мўйсафид йигит қўшчи билан салом-алик қилгач, эшагидан тушиб, бир донинг минг дон бўлсин деб, уруғ сепишни бошлаб берибди. Уруғлар беҳато кўкарибди. Ёзга бориб йигит ҳосили хирмонда тоғ бўлиб уюлибди. Йигит қўшчи бойга айланибди. Чунки унинг даласидан (пайкалидан) Хизир (Хизр) бобо эшагини миниб ўтиб, ўзи уруғ сочган экан. Кейинчалик шу пайкал ҳосилдор ерга айланибди.

Дала суҳбати маълумотларидан шу нарсани англаш мумкинки, воҳа деҳқонлари Бободехқоннинг Хизр киёфасида ҳам тасаввур қилганлар. Демак, аждодларимизнинг ўйлашича, Хизр бобо халол меҳнат қилган, покиза, диёнатли инсонларнинг олдида ҳамиша хозир – нозир. Хизр - архаик мифологияда баҳор ва тирилиш рамзи, кейинчалик бу қатламга Шарқ диний ва эпос бадиий тафаккури орқали «оби ҳаёт» - тириклик суви бахш этувчи, деган тасаввур қўшилади(10). Юқоридаги ҳикояни назарда тутиб шуни айтиш мумкинки, «ўлик ер»ни тирилтиришга интилган йигит қўшчига Хизр бобо ёрдамга келган. Кишиларнинг назарида «ўлик ер» тирилиши ва мўл-кўл ҳосил бериши мумкин.

Назаримизда, халқ ривоятларида Хизрнинг деҳқонлар ҳомийси сифатида тасвирланиши бежиз эмас. Ахборотчиларнинг мулоҳазаларига кўра, қадимда Бободехқон кишиларни деҳқончилик қилишга ўргатган, ҳар хил меҳнат қуролларини кашф қилган. Хўжаи Хизр Бободехқон каби ўзи зироатчилик билан шуғулланмаган, аксинча қайсидир бир ҳолатда ёрдам қўлини чўзган. Албатта, деҳқонлар кузги ва

баҳорги шудгор, экин-текин, суғориш, ўриш, хирмон қилиш, янчиш ишларида Хизр бободан ёрдам сўрашган. Кишилар Хизр бобони ҳар жойда учратиш мумкин, деб тасаввур қилинади. Ахборотчи Баҳодир Абдураззоқовнинг ҳикоя қилишича, бегона киши билан қўл бериб кўришаётганда баъзи кексалар ҳамроҳининг бош бармоғини сиқиб маҳкам ушлашаркан. Сабаби кўришаётган шахс Хизр бўлса, бош бармоғининг суяги бўлмас экан. Суяксиз бармоқни ушлаган киши Хизрдан қатъий бирор нарсани сўраш имконияти бўлган. Кишиларнинг тушунчасича Хизр бобо нафақат зироатчиларга, балки чорвадорларга ҳам, овчиларга ҳам ва бошқа касб эгаларига ҳам, фарзандсиз кишиларга ҳам, оғир касалга ҳам ўзининг кароматини кўрсатган, ёрдам берган.

Халқ тасавбурида Хўжаи Хизр кўлида ҳасса ушлаган, гоҳ пиёда, гоҳ эшак минган, ораста кийинган чол сифатида гавдалантирилган.

Деҳқончилик илмидан хабардор тажрибали кекса кишиларни «Хизр кўрган» ёки «Хизр кўрганнинг боласи» дейишган. Деҳқончиликдан мўл ҳосил олган кишиларни ҳам «Деҳқонбобонинг нафаси теккан» ёки «Даласидан Деҳқонбобо ҳассасини судраб ўтган» деб улуғлашган. Кенжа бобо Жуманазаровнинг таъкидлашича, отаси эккан буғдой, арпа ўсиб, отга тенглашган экан. Кишилар «бой буванинг еридан Деҳқонбобо этагини судраб ўтган, дони омборга сиғмайди» деб гап қилишаркан. Кўпнинг гапида Хизр бор деганларидек, дон омборга сиғмай, ортганини ўрага кўмишган экан(11).

Қишлоқ аҳли кўпни кўрган, деҳқончиликда суяги қотган кексалардан ерни шудгорлашда ҳам, уруғ сепишда ҳам, ғалла ўришда ва янчишда ҳам доимо маслаҳат олишган. Агар даладаги экинлар кўнгилдагидек, бўлиқ ривожланса, инс-жинслар ҳазиллашмасин, балою қазолардан асрасин деб, Деҳқонбобо ҳақиға ис чиқарилган. Маълумотларга қараганда, ис чиқаришнинг бирор белгиланган куни бўлмаган. Зироатчилик билан боғлиқ удумларнинг кўплари баҳорда, Наврўз байрами арафасида бажарилган. Бухоро воҳасида Наврўз 21 мартдан 22 мартга ўтар кечаси, «Қозон тўлди» соф оилавий удум бўлиб, ҳар бир оила ўз имкониятига караб тансиқ таомлар (кўпинча палов), кўкат сомсалар, бўғирсоқлар тайёрлаган.

Шунингдек, Бободеҳқон ҳақиға «ис» чиқарилган. «Қозон тўлди»нинг эртаси куни ис ёғи билан қўшга қўшиладиган хўкизларнинг шохлари мойланган[10].

Ўрим бошланишидан бир кун олдин бўрдоқи қўй сўйилган. Гўшт қозонга солингач, қишлоқ мулласи, қариялар, қишлоқдошлар, чоракорлар чақиртирилган. Гўшт пишгач, таом дастурхонга тортилган. Овқатдан сўнг дастурхонга фотиҳа ўқилгач, мулла Бободеҳқон ҳақиға Қуръон тиловат қилган. Сўнгра йиғилганлар: «Оллоҳнинг карами кенг, хирмоннинг баракасини берсин, донимиз мўл-кўл бўлсин», деб дуо қилишган. Шунингдек, деҳқонлар экин ишларини бошлашдан олдин пайкал бошида Бободеҳқонга атаб қон чиқарганлар. Бунда топган жонлиқ, топмаган парранда сўйган. Уни пишириб, атрофдагиларга едирган. Мулла Қуръон тиловат қилгач, кекса кампир ёхуд қушноч деҳқон кетмонининг устига чироқ ёққан ва Бободеҳқон буважон экин-тикинимизга ривож беринг, биримиз ўн бўлсин, ўнимиз минг бўлсин, Оллоху акбар, омин! деб оловдан тавоб қилинган(12).

Воҳада экинларнинг ривожини паст бўлса, ҳашорат тушаверса, пайкал бошида экинларга сув оқиб кирадиган жой ёки бирорта экиннинг япроғи устида чироқ (пахта пилик қилиб эшилади ва пахта ёғи шимдирилиб) ёқилган, дуо ўқилган. Бу ҳам Бободеҳқонга ис чиқаришнинг бир кўриниши ҳисобланган.

Бухоролик деҳқонларнинг тушунчасида Бободеҳқон ҳам, Хизр ҳам деҳқончилик илмини мукаммал эгаллаган, шу боисдан улар ҳар қандай балони даф қила оладилар, деб тушунилган.



Пайкалларга оранган инс-жинсларни ҳайдаш. ҳар хил мушкулларни осон қилиш фақат уларга хос хусусиятлардир. Бободехқонга ис чиқариш жараёнида оловга сиғинишнинг ҳам гувоҳи бўламиз. Демак, инс-жинсларни даф қилиш, уларни олов билан куйдириш, кўркитиш оташпарастлик динига хос бўлса, Қуръон суралари билан дуои бад қилиш ислом динига хос, улар кейинчалик бир-бири билан уйғунлашган. Зироатчиларнинг тасаввурига кўра, олов ва дуонинг қудрати бирлашиб, ёвуз кучлар устидан осонлик билан ғалаба қилган. XIX аср охири - XX асрнинг бошларида ҳам Бухоро деҳқонлари ўзларига номаълум бўлиб кўринган табиатнинг кўринмас кучларидан кўрқувга тушар экан, айти пайтда аждодларга ўхшаб, улардан қутулиш чораларини ҳам излашган. Улардан қутулмоқнинг бирдан бир чораси ўтмишда ота-боболар амал қилган урф-одат ва маросимларга эътиқод қилишда, деб билишган. XIX аср охирларида қишлоқларда қурғоқчиликнинг юзага келиши, ҳосилдорликнинг кам ёки кўп бўлиши, ерга экилган уруғнинг бир текис униш ёки унмаслиги, экинларнинг дўл, сел сувига дуч келиши каби ҳодисалар маҳаллий аҳоли томонидан ўзгача қабул қилинган. Улар деҳқон экинларининг душмани бор, деб тушунишган. Бундай ёвуз кучларга инс-жинслар, девлар, зиён-заҳмат ва бошқалар кирган. Воҳа деҳқонлари улардан илк зироатчилик қилган Одам Ато ёки ҳар ерда ҳозир-нозир кароматгўи Хизр бобогина қутқара олади деб ўйлашган. Чунки, Одам-Ато деҳқончилик қуроллари ва маданий ўсимликларнинг иждокори, ўзи яратган нарсаларининг душманларини йўқ қилиш қудратига эга, деб ҳисобланган. Ерга ҳам худди шундай ҳимоячи, деб қаралган. Ахборотчиларимизнинг таъкидлашларича, ёввойи ўтларнинг онаси ҳам, уларнинг ҳимоячиси ҳам ер. Шу боисдан ёввойи ўтлар хоҳ сувда, хоҳ қуруқликда бўлсин, қуримай ўсаверади. Худди шундай Бободехқон ҳам ўзиникини ҳимоя қилади, фақат уни сидқидилдан ёрдамга чақириш зарур, чунки у кароматгўй, Тангрининг севган бандаси, дўсти. Дунёнинг тўрт бурчига ҳам қадами етади, деб ҳисобланган(13).

Халқимизда Бободехқон ҳақида турли ривоятлар, афсона ва эртақлар мавжуд, бир-бирини тўлдирувчи бундай фольклор асарлари қайсидир маънода Бободехқонни улуғлашга хизмат қилади.

Аждодларимиз мифологиясида муқаддас культ даражасига кўтарилган Бободехқон тимсолига воҳа деҳқонларининг ҳам эътиқод қилиши асосли эди. Бободехқон билан боғлиқ маросимларга диний уламолар томонидан илоҳий тус берилди. Натижада маросимнинг мазмундорлиги, кишилар орасидаги мавқеи анча ортган.

**Хулоса** қилиб шуни айтиш мумкинки, Ўрта Осиёда яшовчи халқлар орасида зироатчилик ҳомийси Бободехқон ёки Деҳқонбобо образининг тарихий-мифологик асослари кадимги ҳосилдорлик илоҳи билан боғлиқ. Қадимги аждодларимизнинг эътиқодий инончлари, табиат ҳодисаларини илоҳийлаштириш билан боғлиқ мифологик ҳосилдорлик худоси ёки ҳосилдорлик илоҳларига топиниш аъёналари замирида пайдо бўлган ҳамда ҳомий куч тимсоли сифатида мифологик қаҳрамонлар қаторидан ўрин олган ва кейинчалик уларга исломий тус берилган.

Демак, халқимизнинг зироатчилик ҳомийси Бободехқон культига сиғиниш удумида исломгача бўлган эътиқодий қарашларнинг исломий аъёналар билан қоришиқ ҳолда синкретик тарзда сақланиб келаётганлигини кўришимиз мумкин.

#### **Изоҳлар:**

1. Бободехқон култи Помир тожикларида ҳам мавжуд бўлган. Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: И.Мухиддинов. Реликты1 доисламских обичаев и обрядов у земледельцев Западного Памира. -Душанбе. 1989 г.

2. Уд- сигир

3. Қаранфул – қалампирмунчоқ

4. «Одамнинг Қорни явлоқ очди. Жаброил мавло ёрлиқи бирла икки уй келтурди ужомҳдин, бири қизил, бири қора. Жаброил ужомҳдин уч увун буғдой келтурди, уч ҳисса қили. Иккиси санга, бири Ҳаввога- теги. Текма бир увун юз минг сир эрди. Уя уйлар ужомҳдин чикмишингга йиғлаштилар, кўхлари ешинднн кўноқ бўлди. Илгарудин сидилар нахуд унди, кейнинднн солған ёсмук унди. Жаброил уч увун буғдойни ушоқ синдурди эрса телим Одам Ҳавво таридилар. Одам тариған бутдой учди, Ҳавво тариган арпа унди. Ул соатда ўқ унди. Одам айди: «Енму?», Жаброил айди: «Йўқ, тиксун». Тикди. «Енму?» Айди: «Ўрғил» Ўрди. Айди: «Енму?» Айди: «Янчғил». Янчди. Айди: «Енму?» Айди: «Совурғил». Совурди. Айди: «Енму?» Айди: «Угутғил». Угутди. Айди: «Енму?» Айди: «Йўғурғил». Йўғурди. Айди: «Енму?» Айди: «Пиширғул». Айди: «Енму?»... Ёрлиғ келди: Эй Одам. куннинг икки улуши борди. бир улуши колди. Сабир килғил. кун ботсун. Бу кун рўза тутғил. Ул кун Ошур куни эрди. Ман санинг бирла уч иш Қилайин, сендан хушнуд бьшайин, ёзуКингни ёрлиқайин, ужомҳга кивурайин. Қачон Одам ул кўмочни егали ўғиради эрса Жаброил келди. Ул кўмочни уч улуш Қилдилар. Икки улушни Одамга берди, бир улушни Ҳаввога берди. Анинг учун эрга эрга икки улуш, хотунға бир улуш тегди. (Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Кўрсатилган асар. 27-бет)

5. Дала ёзувлари, 1996 йил, Жондор тумани, Бухорча кшшлоғи.

6. Дала ёзувлари, 1996 йил, Жондор тумани, Бухорча кишлоғи.

7. Дала ёзувлари, 1996 йил, Ромитан тумани.

8. Дала ёзувлари, 1996 йил, Олот тумани,.

9. Дала ёзувлари, 1997 йил, Жондор тумани. Бухорча ва Асбоб қишлоқлари.

10. Ўзбек мифологик афсоналарида Хизр тириклик бахш этадиган ҳаёт сувини топиб ичганлиги учун абадий барҳаётликка эришган мўъжизакор хомий ҳисобланади. Шу боис Ҳизр образи кўпинча сув манбалари билан боғлиқ холда тасвирланади. Бу ҳақда қаранг: Ипак йўли афсоналари. Тўплаб, нашрга тайёрловчи М.Жураев. -Т.: Фан, 1993. -Б. 87-88.

11. Дала ёзувлари, 1997 йил, Жондор тумани. Бухорча ва Асбоб қишлоқлари .

12. Дала ёзувлари, 1998 йил, Жондор тумани, Бухорча ва Асбоб қишлоқлари

13. Дала ёзувлари, 1998 йил, Жондор тумани. Бухорча ва Асбоб қишлоқлари .

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Киссаси Рабғузий. 1-китоб. -Т.: Ёзувчи, 1990. -Б. 25-26.

2. Кисляков Н.А. Патриархально-феодалное отношение среди оселого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX - начала XX вв//ТИЭ. -М-Л. 1962. – С 28-29.

3. Богомолова К.А. Следь древнего культа воды1 у таджиков//Изн.отд. общественных наук. АН Тадж ССР. Сталинабад, 1952. - Выш. 2. - С. 19-21.

4. Рахимов М.Р. Земледелие бассейна р. Хингоу в дореволюционны период. // Труды АН Тадж ССР. -Сталинабад, 1957. Т. 43. - С. 7.

5. Андреев М.С. Таджики долины Хуф. Сталинабад, 1953. -Выш.1. - С. 1 1-12.

6. Моногарова Л.Ф. Материалы по этнографии ёзгулумцев//ТИЭ. и.с.. 1959. т.Х1. - Вып. VII - С. 12

7. Муҳиддинов И.Реликты доисламских обычаев и обрядов у земледельцев Западного Памира (XIX-начало XX в). -Душанбе, 1989. -С. 11.

8. «Нурнома » мажмуаси. -Т., 1991. -Б. 32.

9. Қаранг. Снесарев Г.П. Реликты домусульманскнх веровании и обрядов у узбеков Хarezма. - М.: Наука, 1969. - С. 226.

**МАСОЛИ МУБРАМИ ТАЪРИХ, ТАЪРИХИ МАДАНИЯТ, ТАЪРИХНИГОРЙ ВА МАНБАЪШИНОСИ ТАЪРИХИ ХАЛҚҲОН  
ОСИЁИ МИЁНА/ АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ИСТОРИИ, ИСТОРИИ КУЛЬТУРЫ, ИСТОРИОГРАФИИ И  
ИСТОЧНИКОВЕДЕНИЯ ИСТОРИИ НАРОДОВСРЕДНЕЙ АЗИИ/ TOPICAL PROBLEMS OF THE HISTORY, CULTURAL  
HISTORY, HISTORIOGRAPHY AND SOURCE STUDIES OF THE HISTORY OF THE PEOPLE OF CENTRAL ASIA**

		СИЁСАТ	
52.	Дармонова Машхурахон	ЗАМОНАВИЙ ЭРОН ТАРИХИЙ- БАДИЙ АСАРЛАРИДА ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ ҚИЁФАСИ	189
53.	Джураев Хусен Хайруллоевич, <u>Хайруллоев</u> <u>Саиджон Хусенович.</u>	ИСЛОМ ФУНДАМЕНТАЛИЗМИ – ДИНИЙ АҚИДАПАРАСТЛИКНИНГ ТАҲДИДИ	195
54.	Джураев Хусен Хайруллоевич,	УСТОЗ — ОТАНГДЕК УЛУҒ	199
55.	Джураева Нигора Ниёзбобоевна,	ЭТИКА И АБСОЛЮТНАЯ САМОЦЕННОСТЬ ЧЕЛОВЕКА В ТВОРЧЕСТВЕ АР-РАЗИ	204
56.	Jurayeva Nafisa Olimovna,	THE BOOK “MULLOZODA” AS AN IMPORTANT SOURCE ON THE ISSUES OF PILGRIMAGE ETHICS	208
57.	Чўраева Нигора Ниёзбобоевна,	МАСЪУЛИЯТИ ВОЛИДОН ҲАМЧУН АРЗИШИ МИЛЛЙ	212
58.	Жўраев Зиёвуддин Муҳитдинович Эгамов Абдумалик Адихамович ЎзХИА 2-курс таянч докторанти.	АНУШТЕГИНИЙЛАР ДАВРИ ҚУРЪОНШУНОСЛИК РИВОЖИДА НАЖМИДДИН КУБРОНИНГ ТУТГАН ЎРНИ (Энг янги тадқиқотлар асосида илмий ахборот)	214
59.	Жумаев Мухриддин–	ХІХ АСРНИНГ ИККИНЧИ БУХОРО АМИРЛИГИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ТУЗУМИ	222
60.	Жумаев Тўлқин Холмуродович	ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАЛАРИ ЎРТАСИДА СТРАТЕГИК ШЕРИКЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ	225
61.	Жумаева Нилуфар Ахматовна	ҚУЙИ ЗАРАФШОН ВОҲАСИДА БОБОДЕҲҚОН БИЛАН БОҒЛИҚ УРФ-ОДАТ ВА МАРОСИМЛАР (БУХОРО ВОҲАСИ МИСОЛИДА)	229
62.	Жумамуратова Малика	МАЪНАВИЯТ ВА БАДИЙ ИЖОДНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИ	235
63.	Zaripov Sodiq Djurayevich.	AMIR TEMURNING SIYOSIY HOKIMIYATGA KELISHIGACHA BO‘LGAN DAVRDAGI FAOLIYATINING O‘RGANILISHI	240
64.	Ibragimov Mirfayz Ikrom oglu	THE GREAT SILK ROAD IS A WAY OF COMMUNICATION BETWEEN CIVILIZATIONS	243
65.	Икромов Исмоилжон Иброҳимжон ўғли	МУҲАММАД ФОЗИЛБЕК ОТАБЕК ЎҒЛИНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИГА ДОИР АЙРИМ	245